

ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

Лукмон ЖУРАЕВ - фалсафа фанлари номзоди, доцент
Самарқанд давлат университети

АННОТАЦИЯ: Мақолада муаллиф инновацион ривожланиш жараёнларининг фалсафа соҳасида ўрганилиши ва талқинини беради. Унда ёшлар, хусусан интеллектуал ёшларнинг ижтимоий ривожланиш жараёнларидаги ўрни ва роли кўрсатиб ўтилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: Ижтимоий ривожланиш, Ҳаракатлар Стратегияси, йўқотилган авлод, уюлмаган ёшлар, экзистенция, эмергентлик.

АНОТАЦИЯ: В статье автор дает обзор и интерпретацию процессов инновационного развития в области философии. Отмечена роль молодежи, уделено особое внимание интеллектуальной молодежи в процессах социального развития.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА: Социальное развитие, Стратегия действий, потерянное поколение, неорганизованная молодежь, экзистенция, эмергентство.

ABSTRACT: In the article, the author gives a study and interpretation of the processes of social development in the field of sociology. The role and role of young people, especially unorganized young people, in the processes of Social Development has been shown.

KEYWORDS: Social development, strategy of Action, lost generation, unorganized youth, existentialism, emergentism.

Мамлакатимизда кечаётган демократик давлат ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисоди асосидаги фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнларида демократик тартибот, барқарор ривожланиш муаммоларига эътибор ошиб бормоқда. Юртимизда 2019-йилнинг "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" деб номланиши айрим жиҳатлари билан фалсафий маъно-мазмун касб этади. Жамиятда инновацион тараққиёт янги ижтимоий муносабатлар, ўзгарган кадриятлар ва янги талаблар ҳамда меъёрларни ўзида ифода этувчи жамиятнинг мазмунан ўзгаришини белгилайди. Инновациялар тушунчаси реал тараққиёт жараёни сифатида - янгиликларни ўзида ифода этиб, у ўз мазмунида уч хусусият, яъни ортга қайтмас ҳаракат, мақсад сари йўналганлик ва янги қонуниятларга таяниш тенденцияларини намоён этади.

Инсонни ўзгартириш борасида дунёдаги амалиёт унга киритилаётган инвестиция самарадорлигига боғлиқдир. Агар дунёда инсоннинг 3 ёшидан 22 ёшигача бўлган даврида унга киритилган инвестиция 19-22 марта фойда келтирса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич атиги тўрт марта фойда бериши кузатилмоқда¹. Шу боисдан ҳам инсонни самарали ижтимоийлаштириш ва бу жараённинг сифатини тубдан яхшилаш катта аҳамиятга эгадир. Сифатий ўзгаришларни кўзлаб амалга оширилувчи ислохотлар даставвал таълимга бўлган давлат эътиборини тубдан жадаллаштиришни талаб этади.

Инновацион ривожланиш жараёнларига давлат эътибори юксалганлиги бугунги кунда бор ҳақиқат. Аммо бу жараёнга жамият эътибори қандай? Инсон томонидан ўзини ўзи ривожлантириш ҳолати қандай? Бу борада мамлакат интеллектуал салоҳияти қайси ҳолатда? - деган савол долзарблигича қолмоқда. Бунда биз ижтимоий шеричилик масаласига ҳам жиддий тўхталиб ўтишимиз керак бўлади.

Албатта, шерикчилик ғояси ҳар бир тарихий шароит ва воқеликка нисбатан турли даврларда хилма-хил мотивларга эга бўлган. Шунга мос тарзда гоҳ ижтимоийлик, гоҳ индивидуализм ғоялари куйланган. Собиқ тоталитар тузум инқирозга юз тутиб, мустақилликка эришган мамлакатлар ўз ривожланиш йўлига ўтгач, у умуминсоний кадрият сифатида инсон эркига, ижтимоий мувозанатга, барқарор тараққиётга олиб борувчи кадрият, деб талқин этила бошланди. Шу маънода мустақил ҳамдўстлик мамлакатларида чоп этилаётган бир қанча маълумотнома, луғат ва монографияларда ижтимоий шерикчилик турли ижтимоий гуруҳларнинг меҳнатда, ҳокимиятни тақсимлашда, ҳуқуқ соҳасида, бурч ва маъсулиятда, имконият шароитларида, моддий неъматлардаги ҳаётий вазиятни белгилашда қонунийлик ва ижтимоий адолат билан боғлиқ масала тарзида талқин этила бошланди².

Хусусан, фалсафий соҳада инновацион шерикчиликнинг амал қилиш жараёнига хос хусусиятларни ёритиб берган россиялик мутахассис С.Г.Гринко фикрича: "Ижтимоий шерикчилик амал қилиш услубларига кўра, манфаатлар мувофиқлашадиган марказда кесишиб, муайян ижтимоий қелишув шакллари доирасида оптималлашадиган кўплаб ижтимоий ҳулқ-атвор моделлари ва йўналишларини намоён қилувчи ижтимоий кооперация, инновация ҳамда инсонлар ўзаро муносабатларининг муайян турини англатади"³.

Европа Иттифоқининг 2008-йилда "Йўқотилган авлод" (lost generation) мавзусида ўтказилган форумида кишилик жамиятида меҳр-шафқат, бағрикенглик, ўзаро садоқат туйғуларининг сусайиб кетганлиги, янги авлод катта авлод турмуш тарзига, хусусан ўз ота-оналарининг одат ва анъаналарига беписандлиги, улар томонидан кадрланган адабиёт, санъат дурдоналарини ўзлаштирмай қўйганлик-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliyasy-28-12-2018?sphrase_id=2581395

² Социологический справочник/ под. общ. ред. В.И.Воловича. - К.: Политиздат Украины, 1990, с. 108.

³ Ўша жойда. - Б. 16-17.

лари, илм-фанга бeъэтиборлиги, табиатни эъзозлаш ўрнига уни вайрон қилишга мойиллиги тахлил этилиб, "де-факто" шаклланиб бўлган ҳолатдан чиқишнинг ягона йўли сифатида ҳар бир соҳада ташкилотлараро боғлиқлик, одамлараро ўзаро ҳамжиҳатликни кучайтиришга йўналтирилган фаолиятларни амалга ошириш вазиятни ўнглашнинг ягона йўли эканлиги эътироф этилди.

Америкалик тадқиқотчи М.Портер ҳар қандай давлатнинг иқтисодий рақобатбардошлиги ва мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий муҳит барқарорлигининг сифати жамиятдаги турли ижтимоий қатлам вакилларнинг интеллектуал тараққиёт даражаси, касбий фаоллик ҳамда энг муҳими ижтимоий аҳиллик, ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти, адолатлилик ва одамларнинг бир-бирига нечоғли маънавий боғланганлик ҳолатига бевосита боғлиқдир, дейди⁴.

Мазкур муҳим ижтимоий муаммо юзасидан хорижий олимлар Э.Фрейд, Э.Дюркгейм, Э.Фромм ва бошқалар одамларнинг уюшиш даражаси моҳиятини очиқлик нуқтаи назаридан, яъни хоҳиш (Фрейд) англаган манфаат (Дюркгейм) ва эҳтиёж (Маслоу) асосида бирлашиш сари фикр билдирилганлар.

Инновацион тараққиёт ғоясини ҳаётга жорий этишдаги асосий ёндашувлардан бири "эмерженглик" назариясидир. Эмерженглик - бу юз бераётган ўзгаришлар, шаклланиб келаётган ижтимоий жамоалар, дунёқарашлар, ижтимоий фикр йўналишлари жамиятдаги маънавий-руҳий ҳолатларни ифодалайди. Айни вақтда одамларнинг аксарияти юз бераётган моҳиятан янги сифат ўзгаришлардаги жараёнларни теран англамаган ҳолда яшайдиларки, бу ҳолат жамиятга турли салбий ташқи таъсирлар эшигини кенг очиб беради. Экзистенциал ёндашув суст бўлган инсонлар ҳам ташқи стимулларга берилувчан бўладилар. Олиниши мумкин бўлган манфаатлар негизида қандай зарарлар, йўқотишлар бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги инсоннинг чап ярим шаридаги миёча томонидан узатиш учун интуитив тўғри фикрларни ўзларидан узоқлаштиришга интиладилар. Бундай ҳолат фанда эскапистик ёндошув, ёки эскапизм назарияси сифатида талқин этилади. (Инглиз тилида "Escape" - қочиш, узоқлашмоқ деган маъноларни англатади).

Америкалик йирик жамиятшунос олим Т.Парсонс XXI асрга келиб дунёнинг бош муаммоси иқтисодий, сиёсий ёки экологик эмас, балки жамиятнинг умумий мақсад ва интилишларидан четда қолувчиларнинг умуминсоний тамойилларга мос бўлмаган хатти-ҳаракатлари, ижтимоийлашган майл-хоҳишлари билан ноилож компромисс қилишдан иборат бўлади, деган илмий прогнози бугун ўз тасдиғини топмоқда. Бунда биринчи навбатда инсон капиталиги урғу бериш лозимдир. Унинг мазмунини белгилаш учун, ҳамда инновацион ривожланишда муҳим аҳамият касб этадиган "социал капитал"га эътибор қаратиш зарур.

Социал капитал - бу ҳаракатларни келтириб чиқарувчи муносабатлар мажмуидир. Ушбу муносабатлар бошқа агентлардан ўз мажбуриятларини санкция қўлламастан амалга оширишларини кутилиши билан боғлиқ. Ушбу кутилма ва мажбуриятлар концентрацияси бир вақтнинг ўзида умумлаштирувчи "ишонч" тушунчасини ифода этади. Мазкур ҳамжамиятда қанча кўп мажбуриятлар ҳосил бўлса, шунчалик ўзаро муносабатлардаги ишонч даражаси юқори ва шу асосда социал капитал даражаси ҳам юқори бўлади⁵.

Инсон амалга оширадиган ҳаракатларида муносабатлар асосий ва энг муҳим боғловчи восита сифатида ўзини намоён этади. Агар муносабатларни қўллашдаги масъулият мажбурлаш каби чораларни киритмаслигини ифода этса, у ҳолда ишонч кўприги ҳосил бўлади. Ишонч кўприги инсонлар ўртасидаги муносабатларни янада мустахкамлайди. Муносабатлар тизимидаги ишонч тушунчасининг кўпайиши ижтимоий алоқаларнинг барқарор ва давомийлигини таъминлайди ва инсонлар ўртасидаги муносабатларни янги маънавий босқичга олиб чиқади.

Ишонч даражасини ўрганишдан аввал унинг маънавий тавсифини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Ишончнинг маънавий тизимдаги ўрнини аниқлаш учун, уни аънавий ҳалқ маданиятини ривожлантиришнинг махсус шакли сифатида, умумий ишлаш механизмларини билиш зарур. Маънавият инсон билан одамларни ва ўзи билан ўзининг муносабатларини тартибга солувчи механизмга эга десак муболаға бўлмиди. Шу билан бирга, маънавиятга баҳо бериш, нафақат инсонларнинг алоҳида ҳаракатларида намоён бўлмоқда, балки уларнинг мустаҳкам сифатларида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Кўп асрлик аънаваларига эга мамлакат этнографиясида ҳамда замонавий этнологияда / антропологияда инсонларнинг ижобий сифатларини салбий ёмон ҳулқ эмас, балки маънавият ифода этади⁶.

Инновацион жараёнларда ишонч муаммоси ҳақидаги мумтоз изланишлар социал капитал "ядро"си сифатида Ф.Фукуямага тегишлидир. Жамият аъзолари ўртасида ҳосил бўлаётган ишончга қараб, жамиятда аниқланган потенциал ёки унинг қисми сифатида Ф.Фукуяма социал капитални тавсифлайди. Ишонч социал капиталнинг бош элементи хисобланади. Фукуяма ишончни жамиятнинг аъзолари ўртасида ҳосил бўлувчи умид сифатида, бошқа аъзолар маълум даражада кутаётганларидек, виждонан ва атрофдагилар эҳтиёжларига эътибор билан, айрим умумий меъёрларга мувофиқ ўзларини тутишларини тушунади. Ушбу меъёрларнинг айримлари фундаментал қадриятлар соҳасига (мисол учун, Худони ёки адолатни тушуниш каби) тегишли бўлиб, лекин улар қаторига бутунлай аристократларга хос нарсалар, ўзини тутишнинг профессионал стандартлари ва корпоратив кодекслари киради. Фукуяма жамият хўжалик ҳаётига мада-

⁴ М.Портер Конкуренция. - М.: Вильямс, 2006. - С. 608.

⁵ Шмаков А.В. Воздействие фактора доверия на процесс принятия экономических решений // Terra Economicus. 2014. Том 12. №3. - С.31.

⁶ Губогло М.Н. Антропология доверия. Этносоциологические и этнополитические очерки. - М.: Издательский Дом ЯСК, 2016. - С. 31-33.

ният, социал капитал ва ишонччи анчагина таъсир кўрсатишини таъкидлаб ўтган. Ишонч орқали бюрократик ишлар ва юридик расмиятчиликлар қисқариши ҳисобига ташкилот харажатларини анчагина пасайишига ёрдам беради. Шу асосда ишонч иқтисодиётда маданий омиллар тузулиш ҳосил қилувчи ролни ўйнайди⁷.

Шундай қилиб, инновацион жараёнларда инсон капиталнинг жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ўрнини аниқлаш, миллий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ривожлантириш муҳим ўрин тутати. Инновацион жараёнлардан самарали фойдаланиш, тўлиқ намоён этиш учун муҳим шарт-шароитларни яратиш масалалари мамлакатларнинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни, аҳолининг муносиб ҳаёт кечириши ва барқарор ривожланишини таъминлаш жиҳатидан илмий тадқиқотларнинг муҳим йўналишларидан бирига айланган. Бу борада илмий тадқиқотларда инновацион капиталнинг ривожланганлик даражасини иқтисодий ўсишга таъсирини тадқиқ этиш, интеллектуал салоҳият таркибий унсурларининг ўзаро муносабатини баҳолаш, инновацияларнинг жорий этилиши ва тарқалишига таъсирини аниқлаш, инсон капиталини ривожлантиришнинг самарали усуллари тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда инновацион жараёнларни белгилашда "инсон капитални ривожлантириш ва бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этиш"⁸, хусусан узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш ва муно-

сиб меҳнат шароитларини яратиш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда. 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясида "инсон капитални ривожлантириш асосий мақсад ва мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлилиги даражаси ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи асосий омил сифатида белгиланиб, 2030 йилга бориб глобал инновацион индекс рейтингини бўйича жаҳоннинг 50 илғор мамлакати қаторига киришига эришиш, таълимнинг барча даражаларида сифати ва қамровини ошириш, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимининг иқтисодиёт эҳтиёжларига мослашувчанлигини таъминлаш шунингдек, инновацияларни кенг жорий этиш учун шарт-шароитларни яратиш" каби вазифалар белгиланган⁹. Шу билан бирга, "Президентнинг илм-фан намояндалари билан мулоқоти давомида илмий асосланган тажриба асосида кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш вазифасининг муҳимлиги" таъкидланди¹⁰. Ушбу вазифаларни самарали ижро этишда инсон капитали ва унинг таркибий унсурларини баҳолаш тизимини такомиллаштириш, инновацион иқтисодиёт шаклланишига инсон капиталининг таъсирининг илмий-услубий асосларини тадқиқ этиш, республикада инсон капиталини ривожлантириш бўйича имкониятларни аниқлаш ва такомиллаштириш каби йўналишларда илмий тадқиқотларни чуқурлаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

⁷ Фукуяма Ф. Доверие: социальные добродетели и путь к процветанию. Пер. с англ. / Ф.Фукуяма. - М.: ООО "Издательство АСТ": ЗАО НПП "Ермак", 2004. - С. 21.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисига Мурожаатномаси <https://president.uz/uz/lists/view/2228>

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги "2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида" фармони www.lex.uz

¹⁰ Инновацион ғояларни илм-фан ва саноатга кенг татбиқ этиш - ислохотлар самарадорлигининг бош мезони / Халқ сўзи, № 107 (7337). 25 май 2019.

Агар халқ устидан қўлинг узун бўлса, амалда ҳам, сўзда ҳам доим эзгулик қил.

Юсуф ХОС ҲОЖИБ

Агар эл қилмади ҳимоят санга,
Ўзунгдин керақдур шикоят санга.

Алишер НАВОЙЙ